O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 12 июнь, № 115 (4525) Пайшанба


# МАКТАБГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР



*Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги бош қаҳрамон — Фарҳод кўз ўнгимизда эзгулик тимсоли бўлиб гавдаланади. Зеро, у одамларга яхшилик тилаб, қалбларга мурувват, раҳм-шафқат истаб яшаган. Тоғу тошни кесиб, минг машаққатлар ила сув келтирган.*

Фарҳоднинг бу жасоратини фақатгина Шириннинг васлига етмоқ умидидаги юмуш деб тушунмоқ ўринли бўлмас. Негаки, қалбида пок муҳаббат, эл-юртга ҳурмат туйғулари бўлмаган кишидан улуғвор ишларни кутиш қийин.

Истиқлол йилларида ҳаётимизда рўй бераётган янгиланишларни ҳам ҳеч иккиланмасдан ана шундай мангуликка дахлдор улуғворликка нисбат бериш мумкин. Зотан, Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Биргина мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги туб бурилишларнинг ўзиёқ мамлакатимизда фарзанд таълим-тарбияси нечоғли эътиборда эканлигини кўрсатиб турибди. Фотомухбиримиз Бахтиёр Акрамовнинг ушбу суратларида ҳам ана шундай бунёдкорлик жараёни акс этган. Навоий вилояти, Кармана тумани, Жалойир қишлоғида янгидан қад ростлаётган 13-мактаб биноси сентябрдан бошлаб бу даргоҳга қадам қўядиган болакайни ҳам, шу ҳудудда яшовчи ёши улуғ

**▼ Бунёдкорлик**

кишиларни ҳам бефарқ қолдирмайди. 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ушбу мактаб мустақиллик байрами арафасида қишлоқ аҳли ихтиёрига топширилади. Мактабнинг барча қулайликларга эга спорт зали эса ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилади.

— Қишлоқ аҳли билан ҳар куни суҳбатлашамиз, — дейди "Бинокор" ИЧКК раҳбари Фурқат Зокиров. — Улар бугунгидек муҳташам мактабларда ўқиш ўғил-қизларимизга насиб этаётганидан ниҳоятда хурсанд. Яқинда бир отахон чин дилдан дуо қилдилар. У кишининг мана бу гаплари, айниқса, ҳаммамизга маъқул келди: "Одамнинг умри қисқа. Ана шу ғанимат дамларни англаб, умрни яхшиликка бахшида этиш эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Мамлакатимиз равнақи йўлида улуғвор ишлар амалга оширилаётгани эса бизни ҳам руҳлантирмоқда, кучимизга куч, ёшимизга ёш қўшмоқда. Муҳташам мактаб қуриб, фарзандларимизни эъзозлаётганларнинг ўзлари ҳам эл ардоғида бўлсин, илоё!"

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қирғизистон Республикаси Президенти Қ. С. Бакиев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Қурманбек Солиевич,

Атоқли адиб, мутафаккир, жамоат ва сиёсат арбоби Чингиз Айтматовнинг вафоти — оғир жудолик тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилдим.

Чингиз Айтматов воқеликни бадиий образларда ёрқин акс эттириб, ҳис-туйғуларимиз ва кечинмаларимизга теран таъсир ўтказиб, ўз асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган адибдир. У ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги, маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши ҳамда маънавий қадриятларнинг ривожланиши учун курашиб келди.

Чингиз Айтматов ўзбек халқига ҳамиша дўсту қадрдон эди ва шундай бўлиб қолади. У ўз Ватанига садоқат ҳамда фидойилик билан хизмат қилиш тимсоли сифатида хотирамизда мангу яшайди.

Марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия билдираман ҳамда уларга самимий ҳамдардлик сўзларимни етказишингизни сўрайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## ЁШЛАР — ЮРТНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

***Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ва унинг доирасида ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ёш авлодни қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилишига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

Иштирокчилар эътиборига, жумладан, "Ёшлар йили" давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахборот ҳавола этилди.

Бельгия сиёсий доиралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Европа Иттифоқи, Европарламент, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директори Акмал Саидов маъруза қилди.

**▼ Эътироф**

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда "Ёшлар йили" дастури доирасида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасидаги ҳуқуқий базани мукаммаллаштириш, янги оилалар, ёш фермерлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдодларни аниқлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбир иштирокчилари эътиборига, мамлакатимизда ёшлар масалалари билан шуғулланувчи кўплаб жамғармаларнинг фаолияти, шунингдек, ёшларга таҳсил бериш ва қайта тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган турли давлат дастурлари ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди.

Анжуман хусусидаги таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Европа халқаро муносабатлар институти етакчи эксперти Пьер-Эммануэл Томанн Ўзбекистонда ёш авлод давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганига эътибор қаратди.

— 29-30 май кунлари мен Тошкентда бўлиб ўтган хавфсизлик масалалари бўйича халқаро конференцияда қатнашдим. Сафар доирасида турли таълим муассасаларида бўлиб, юртингизда ушбу соҳага юксак эътибор кўрсатилаётганига гувоҳ бўлдим. Ёшлар — ҳар бир юртнинг келажаги. Шу боис Ўзбекистон раҳбариятининг жорий йилни мамлакатда "Ёшлар йили", деб эълон қилиш тўғрисидаги қарори ниҳоятда муҳимдир. Бинобарин, айнан ёшлар мамлакатни халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашини таъминлайдиган қудратли кучдир, — деди эксперт.

"Европа авлодлари" лойиҳаси координатори Мария-Хелен Кусак хоним ҳам Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларга юқори баҳо берди. "Ўзбекистондаги ёшлар таълим олиши ва ҳар томонлама ривожланиши учун энг қулай шароитлар яратиб берилган, — дейди у. — Мамлакат раҳбарияти томонидан мазкур соҳага кўрсатилаётган юксак эътибор юртингиз келажаги ёрқин бўлишини кафолатлайди".

Брифинг доирасида "Ёшлар йили"га бағишлаб Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва "Жаҳон" ахборот агентлиги томонидан тайёрланган "Келажакка интилиб" ҳужжатли фильми намойиш этилди.

**Азим МУҲАМЕДЖОНОВ,**
**«Жаҳон» АА.**
Брюссель.

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

***Хоразм вилоятининг барча туманларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга бағишланган семинарлар ўтказилди.***

### Тадбиркорлар ҳузурида

Ушбу тадбирларда фермерлар, тадбиркорлар, янги иш бошлаётган фуқаролар, банк раҳбарлари, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари қатнашдилар. Уларга соҳага оид фармонлари ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, яратилган шарт-шароит, имтиёз ҳамда банк хизматлари ҳақида етарлича маълумотлар берилди. Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарларда касб-ҳунар коллежларини битирган, тадбиркор бўлиш истагида юрган ёш йигит-қизларга банкларнинг имтиёзли микросармояларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Самарқанддаги «Ёшлик» боғи доимо болажонлар билан гавжум. Бу ерда уларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган.***

### Болажонлар қувончи

Ёзги мавсумга қадар ушбу боғда кенг кўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 20 дан ортиқ аттракцион, компьютер ва бошқа ўйинхоналар кичкинтойлар хизматида. Музқаймоқ, ширинликлар, салқин ичимликлар павильонлари ҳам ишлаб турибди. Ишчи-хизматчилар сони икки бараварга ошди. Манзарали дарахтлар, анвойи гулзорлар боғ қиёфасига кўрк қўшиб турибди.

— Яқин йилларгача қаровсиз қолган ушбу маскан тамомила қайта қуриб ободонлаштирилди, — дейди боғ раҳбари Фарҳод Жалилов. — Бугун бу ерга ота-оналари кузатувида келиб турли ўйинлар билан машғул бўлаётган ўғил-қизларни кўриб ҳаваси ортади кишининг. Зеро, болалар қувончи — бизнинг қувончимиз. Болажон давлатимиз ҳамиша омон бўлсин!

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Маҳалла — тўй мезбони

***Наманган шаҳридаги «Мустақилликнинг беш йиллиги» маҳалласида меҳр-оқибатли кишилар талайгина. Беш ярим мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қиладиган маҳаллада ҳашар ҳам, тўй-маърака ҳам уюшқоқлик билан ўтади.***

Иброҳим Саломовнинг никоҳ тўйига ҳам бутун маҳалла бош қўшди. Янги оилага девор-дармиён қўшнилари Жамилахон Деҳқонова ҳамда Собитхон Рафиқов келин сарпо, куёвлик либосларини тортиқ этган бўлишса, шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси «Гўзал» тантаналар мажмуасида уюштирилган тўй харажатларини кўтарди.

Фуқароларнинг ярмидан ортиғини ёшлар ташкил этадиган маҳаллада аҳолининг мазкур қатламига эътибор баланд. Жумладан, йиғин ёрдами билан ёш оилалардан учтаси куни кеча уй-жой шароитини яхшилаш учун имтиёзли кредитга эга бўлди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қишлоқ мулкдорлари

***Ташаббуснинг қаноти бор, дейишади. Яқинда андижонлик тадбиркор Азимжон Ҳусанов Чинобод — Балиқчи катта йўлининг бир қисмини ободонлаштириб, муҳташам савдо мажмуаси барпо этди.***

Натижада, 160 та савдо дўкони, 80 та мева сотиш шохобчаси вужудга келди. «Азим Даврон» савдо маркази ортидан Бўстон маҳалласида ҳаммом, Олимбек ҳамда Дўстлик маҳаллаларида «Оталар чойхонаси» ҳам қад ростлади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Германиянинг Бонн шаҳридаги анъанавий «Жаҳон маданиятлари учрашуви» халқаро форуми доирасида «Тошкент. Тарих ва бугун» мавзуига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Пойтахтимиз тарихи ва бугунги тараққиёти, шаҳарда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига бағишланган учрашув мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси ҳамда «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.***



## ПОЙТАХТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ

Тақдимот маросимида Германиянинг таниқли жамоат арбоблари, маданият ва илм-фан намояндалари, ГФРда аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Халқаро анжуман иштирокчилари ўзлари учун замонавий Ўзбекистонни кашф қилган ҳолда мамлакатимизда миллий маданиятни ривожлантириш, халқимиз тарихи, урф-одатлари ва анъаналарини асраб-авайлашга юксак эътибор қаратилаётганидан далолат берувчи маълумотлар билан танишдилар.

Маълумки, юртимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларни, тарихий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни қайта тиклаш, уларни асраб-авайлаш, жаҳон цивилизацияси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк олим ва арбобларимизнинг юбилейларини

**▼ Дунё нигоҳи**

кенг нишонлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон каби қадимий шаҳарларнинг юбилей саналари халқаро миқёсда кенг нишонлангани фикримизнинг ёрқин далилидир. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йилнинг 2 апрелида қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори юртимизда мазкур соҳада изчил сиёсат амалга оширилаётганидан далолат беради.

Бонндаги тақдимот маросимида намойиш этилган юздан зиёд фотосурат маданий анжуман иштирокчиларига юртимиздаги кўплаб тарихий ёдгорликлар, халқимизнинг маданият ва меъморчилиги, Тошкентнинг замонавий ҳаёти тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини берди.

Миллий давлатчилигимиз, юртимиз тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаётида пойтахтимиз – Тошкент шаҳрининг аҳамияти беқиёсдир. Бинобарин, бу шаҳар жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган ва ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» номини олган бўлиб, халқимизнинг фахру ифтихори ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

## АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ КАФОЛАТЛИ ҚОНДИРИЛМОҚДА

Бир рақам шарҳи







**2008** йилнинг биринчи чорагида республикамизда озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **131,6** фоизга ошди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган мавжуд қувватлар кенгайтирилаётгани, янгилари фойдаланишга топширилаётгани тармоқда юқори ўсиш суръатини таъминлаб, аҳолининг бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини кафолатли қондириш имконини берди.

▼ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига

*Инсон ҳуқуқини таъминлаш ва уни ҳимоя қилиш кишилик жамияти тараққиётининг бош масалаларидан бири бўлиб келган. Президентимиз "Инсон ҳуқуқини қонунда ва амалда таъминлай олмаган, бунинг учун етарли кафолатлар яратиб беролмаган жамият демократик жамият эмас", — деган эдилар. Демократик давлат барпо этаётган барча мамлакатларда инсон ҳуқуқини таъминлаш олий мақсад қилиб қўйилган, ана шу йўналишдаги энг олий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги қоидаларни ўзларининг асосий ва жорий қонунларига сингдиришга интилганлар. Бу йил мазкур Декларация қабул қилинганлигига 60 йил тўлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.*

# ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР НАМОЙИШИ

Демократик тараққиёт йўлини танлаган ва жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлган давлатимиз Конституциясида мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолат ғояларига садоқатли экани кафолатланади. Бош Қомусимизнинг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир, деб белгиланди. Бу қоида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги, ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак деб белгиланган меъёрларга тўла мосдир.

Бош Қомусимизга биноан, қабул қилинган барча ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ўзининг ифодасини топди. Ўзимизнинг бой тажрибамиздан самарали фойдаланган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида шу соҳада муҳим ташкилий-ҳуқуқий институтлар вужудга келтирилди. Эндиликда республикамизда инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи бир неча ташкилот ва муассаса фаолият олиб бормоқда. Жумладан, 1995 йилдан Ўзбекистон парламентининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(Омбудсман) фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 1996 йили давлатимиз раҳбарининг Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, 1997 йилда «Ижтимоий фикр» марказит ташкил қилинди.

Бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтариш мақсадида Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқини судга ўтказиш, жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш вазифаларини белгилаб берди. Улар бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари эканлигини рўйи рост кўрсатиб турибди.

Юртимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари замирида, албатта, адолат, ўзаро тенглик ҳуқуқи мужассам. Хусусан, Жиноят кодексига киритилган ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қоидаси бу мезонларнинг рўёбга чиқишини тезлаштиради. Мисол учун, дастлаб 26 та жиноятга нисбатан ярашув институти қўлланилган бўлса, бугунги кунда уни 30 та жиноятга жорий этиш қонун билан белгиланди ва бундай қилмишлар доираси 15,3 фоизга кенгайди. Ушбу қоидага мувофиқ, 30 мингдан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинди ва улар "судланган" деган номни олишдан халос бўлдилар. Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайдиган бўлди. Бундай қоида МДҲга кирувчи давлатлар қонунларида мавжуд эмас.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида: "Ҳар бир инсон бевосита ёки билвосита сайланган вакиллари орқали ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Халқ иродаси ҳокимиятнинг негизи бўлмоғи лозим", деб таъкидланган (21-модда). Бу масалада, яъни Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлига ўтиши билан давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва мустаҳкамлашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Икки палатали парламент тузиш масаласининг 2002 йил 27 январдаги референдумда халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши жамият ҳаётини демократлаштириш ва республика сиёсий тизимини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Қонунларни икки палатали парламент орқали ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш сайловчилар манфаати ва эҳтиёжларига тўла мувофиқдир. Зеро бу жараён амалдаги Конституция доирасида турли ҳуқуқий ғоялар ва ташаббуслар билан парламентда плюрализм ва эркин рақобат муҳитини қарор топтириш имкониятини берди. Бунинг натижасида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла таъминлаш борасида яна бир муҳим истиқболга йўналтирилган қадам қўйилди.

Хуллас, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар, барқарор тизимлар яратилди. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат қурилиши, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш учун асос бўлади. Шубҳасиз, ушбу ислоҳотлар истиқболда янада самарали бўлиб, улар юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқимиз фаровонлигига, фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя этишга хизмат қилади.

**Рустам ЗУФАРОВ,**
**юридик фанлари доктори.**

# ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙҒУНЛИГИ

***Кеча Тошкентда "Ўзбекистонда ўрта махсус ва касб-ҳунарга йўналтирилган таълим масканларида малакали кадрларни тайёрлаш муаммолари ва истиқболлари" мавзуида бизнес-форум ўтказилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Британия Кенгашининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида, БМТ дастури лойиҳаси асосида ташкил этилди.***

▼ Бизнес-форум

Таъкидландики, таълим тизимини такомиллаштириш Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бундан кўзланган асосий мақсад келажагимиз бунёдкори бўлган ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашдир.

Шу ўринда бир рақам: 1998-2007 йиллар ичида 1117 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи қурилиб, улар замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Айни пайтда, бир миллион нафардан зиёд ёшлар ана шундай муҳташам масканларда таълим олиб, иқтидорларини намоён этмоқда.

Бундай ёш кадрларга, айниқса, нефть-газ, кон-металлургия, энергетика, машинасозлик, озиқ-овқат саноати соҳаларида талаб ортиб бораяпти. Шундан келиб чиққан ҳолда, янги ўқув йилида эҳтиёж юқори бўлган янги мутахассислик жорий этилаяпти. Бу шу йилда 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Тадбир иштирокчилари "Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимининг Буюк Британия ва бошқа мамлакатлар таълим тизимидаги ўрни" ҳамда "Буюк Британиянинг бизнес ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш тажрибаси" мавзуларида ҳам маърузалар тинглашди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган анжуманда тегишли вазирликларнинг мутасаддилари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, молиявий ташкилотлар мутахассислари, шунингдек, бир қатор хорижий ташкилотлар аъзолари иштирок этди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ПОЙТАХТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ

Юртимиз тарихининг турли даврларини акс эттирган фотосуратлар Тошкентнинг кўҳна ва навқиронлигини, нафосати ва беқиёслигини ўзида намоён этади.

— Ўзбекистонни, унинг бой ва кенг қиррали маданиятини яқиндан биламан, — дейди «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти вице-президенти Волфганг Шрайбер. — Шу маънода 2007 йил 2 ноябрь куни ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини мазкур нуфузли ташкилот иштирокида нишонлаш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши айниқса, аҳамиятлидир.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон ва унинг пойтахти халқаро миқёсда юксак аҳамият касб этишидан далолатдир. Мен Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисидаги қарор билан атрофлича танишиб чиқдим. Шуни таъкидлашни истардимки, юртингиз истиқлолга эришган даврдан бошлаб ўзбек халқининг маданий қадриятларини асраб-авайлашга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилди. Тошкентнинг юбилейи жаҳон ҳамжамиятини халқингизнинг бой мероси билан яқиндан таништириш учун яна бир яхши имконият бўлади.

— Германияда мана шундай ёркин тадбирларнинг ўтказилиши жуда муҳим, — дея суҳбатга қўшилади «Дойче Велле»нинг МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатлари бўйича дастури менежери Кристоф Хила. — Бу каби анжуманлар турли халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга кўмак беради. 2009 йилда ЮНЕСКО иштирокида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши Ўзбекистон жаҳон маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасининг яна бир эътирофи бўлди.

— Бугунги тақдимот маросими барча иштирокчиларга Тошкентнинг қадимий тарихи ва бугунги ҳаёти билан танишиш учун яхши имконият яратди, — дейди Германия иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт бўйича федерал вазирлиги ходими Апел Эльке хоним. — Мен Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганман. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хивадаги улуғвор ва гўзалликда бетакрор тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиш асносида олган таассуротлар ҳар сафар қалбимга янги-янги туйғуларни бахш этади.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
Берлин.

# Тиббий жиҳозлар инъом этилди

Зангиота туманидаги "Назарбек" қишлоқ врачлик пункти аҳоли саломатлигини сақлаш йўлидаги фаолиятини янада яхшилаш имкониятига эга бўлди. Ушбу жамоага Япония ҳукумати гранти ҳисобидан 45 минг АҚШ долларилик қўшимча 54 хил янги тиббий асбоб-ускуналар инъом этилди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

▼ Интилиш




# БАРАКА – МЕҲНАТ ВА АҲИЛЛИКДА

*"Маманазар ота Кероит" фермер хўжалиги — Бекобод туманидаги илғор жамоалардан бири. Очил Холманов раҳбарлик қилаётган мазкур хўжалик жорий йилда 47 гектар майдонда буғдойнинг "Чиллаки" навини парваришлаб, мўл ҳосил етиштирди. Давлатга 121,4 тонна ўрнига 130,4 тонна сара дон топширди. Ёнига оз эмас, кўп эмас — 85 тонна буғдой қолди. Мана, чин дилдан қилинган меҳнатнинг самараси!*

*Фермер эришаётган муваффақиятларини яратиб берилаётган шарт-шароитлар билан изоҳлайди. Яқинда у бундай имкониятлардан фойдаланиб, Голландияда ишлаб чиқарилган "TL5060" русумли трактор сотиб олди.*

**СУРАТДА:** фермер Очил Холманов ва Бобур Азизов.

**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган сурат.**

▼ Яхши хабар

***Сурхондарё вилоятида корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ички ва ташқи бозорга жаҳон стандартларига жавоб берувчи харидоргир маҳсулотлар чиқариш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

# МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

Термиз шаҳридаги «Термизсут» масъулияти чекланган жамияти ҳам модернизация туфайли ишлаб чиқариш қувватини қарийб икки баравар оширди. Корхона цехлари замонавий хориж ускуналари билан жиҳозланиши маҳсулот сифатини янада яхшилаш имконини берди. Ҳозир бу ерда кунига бир ярим тонна сут қайта ишланиб, қатиқ, сариёғ, пишлоқ маҳсулотлари ихчам, бежирим полиэтилен идишларга қадоқланмоқда.

— Корхонамизда ўттиз киши меҳнат қилади, — дейди масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шавкат Эламонов. — Маҳсулотларимизни буюртма бўйича тиббиёт ва таълим муассасаларига, савдо шохобчаларига етказиб бермоқдамиз. Келгусида жойларда махсус дўконларимизни очиб, истеъмолчиларга сут маҳсулотларини нисбатан арзон нархларда сотишни йўлга қўймоқчимиз.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҲОСИЛИНГИЗГА БАРАКА

***Ҳафтада бир бозорга чиқамиз. Харидларимиз орасида, албатта, картошка бўлади. Боиси аён: картошкани юз бир таомга масаллиқ сифатида ишлатиш мумкин.***

***Самарқанд томонларда Тайлоқ тумани аҳли картошка етиштиришда донг таратган. Одамлар ҳам, озиқ-овқат саноати корхоналари вакиллари ҳам Тайлоқ картошкасини сўрашларининг сири шунда.***



▼ Картошкачилик

Ўтган йили бу туманда 560 гектар майдонга картошка экилганди. 9560 тонна ўрнига 10581 тонна миқдорида ҳосил олинди. Соф фойда 514 миллион сўмни ташкил этди. Бу йил эса тайлоқликлар 1521 гектар майдонда фақат эртанги картошка экинини парваришламоқда. Яна ғалладан бўшаган 300 гектар ерга кузги картошка экилиши режалаштирилган.

— Картошкачиликдаги кейинги уч йил натижалари таҳлил қилинса, йилдан-йилга тармоқда ҳосилдорликнинг ҳам, даромаднинг ҳам ошиб бораётгани кўзга ташланади, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Эркин Азимов. — Масалан, 2005 йилда гектаридан 144 центнердан ҳосил олинган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 183 центнерга, ўтган йили 189 центнерга етди. Бу йил эса 220 центнерлик маррани кўзлаяпмиз.

— Мен асосан ғаллачилик билан шуғулланаман, — дейди "Аликул Хушназаров" фермер хўжалигининг раиси Файзулла Рустамов. — Бултур 24 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 60 центнердан ошириб ҳосил олдим. 30 тонна ғалла ўзимга қолди. Ғалланинг фойдаси ҳисобидан уруғлик картошка харид қилиб, томорқамда картошка етиштирдим. Натижа ёмон бўлмади. Бу йил эса 1 гектар ерга эртанги картошка экдим. Шукур. Ҳосил чўғи баланд. Соф фойда 1 миллион сўмдан ошишини мўлжаллаб турибман.

Бахшитепа муқобил машина-трактор парки ҳудудидаги фермерлар 50 гектар майдонда эртаги картошка етиштиришаяпти. "Алишер-Мурод-Шомирза", "Абдурашид-файз-ҳосил", "Ориф-Акмалжон агро" каби фермер хўжаликларида ўтган йили ҳар гектар майдондан 200-250 центнердан ҳосил кўтарилганди. Уруғлик, албатта, "Ўзкартошка" фирмаси орқали Голландиядан келтирилганди. Эндиликда улар нафақат ўзлари учун, балки бошқа фермерларга ҳам уруғ етказиб беришни йўлга қўйишмоқчи.

— Картошка эккан ютқазмайди, аксинча, мўмай даромад кўради, савобга ҳам қолади, — дейди "Ботир-лочин" фермер хўжалигининг раиси Баҳодир Раҳматов. — Картошка, қолаверса, рўзғор учун ҳар куни керак. Ўтган йили 3 гектар ерга картошканинг "Санта" ва "Марфона" навларини экканди. Ҳосилдорлик 250 центнерга етди. Ҳосилнинг асосий қисмини уруғ учун асрадим. Қиш бўйи авайлаб сақлаган уруғимнинг ўзимдан ортганини бозорда сотдим. Ҳадемай, янги ҳосилни йиғиштириб олишга киришамиз.

Жорий йилда тайлоқлик соҳибкорлар 41420 тонна, юқорида айтилганидек, гектар ҳисобига 220 центнердан картошка етиштиришни мўлжаллашаяпти. Унинг 6553 тоннаси келгуси йил учун уруғликка олиб қўйилади.

Дарҳақиқат, Тайлоқда бу йил картошка сероб бўлади. Соҳибкорларнинг эса ҳар доимгидек аҳдлари қатъий: халқимизга нон каби ширин маҳсулотни кўп миқдорда етказиб бериш, дастурхонимизни янада тўкин қилишдир.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАДБИРКОР МАНФААТИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

***Иқтисодиётни жадал ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири тадбиркорликка кенг йўл очишдан иборат. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу соҳага катта эътибор берилмоқда. Мустақиллик йилларида фермерлар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш давлатимиз томонидан яратилган имтиёз ва имкониятларнинг моҳиятини тушунтириш, зарур ҳолатларда ишбилармонларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш адлия идораларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.***

**2007** йилда бошқармамизнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига 220 та ариза тушган эди. Уларнинг асосий қисми шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлиб, даъвогарларнинг фойдасига ҳал бўлди. Бошқа ҳолатларда ҳуқуқий тушунтириш берилди. Энг муҳими, ходимларимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини хўжалик судларида самарали ҳимоя қилиш таъминланди.

Масалан, Нишон туманидаги «Авазов Эргаш» фермер хўжалиги раиси Э. Авазовнинг аризасини олиб кўрайлик. Фермер хўжалиги МТЗ-80.1 тракторини сотиб олиш учун 2006 йил декабрда Тошкент шаҳридаги «Маштраксервис» масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузган. Шартномани молиялаштириш учун Ўзбекистон Миллий банкининг Янги Нишон филиалидан 16 фоиз йиллик устама тўлаш шарти билан 26 миллион сўм кредит олган. Бу маблағ 2007 йил 28 март куни «Маштраксервис» МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилган. Лекин сотувчи зиммасидаги мажбуриятни бажармаган. Фермер бир неча марта мурожаат қилишига қарамасдан, жамият пулни ҳам қайтармаган. Вилоят адлия бошқармасининг аралашувидан сўнг иш Тошкент шаҳар хўжалик судида кўрилди ва «Маштраксервис» МЧЖдан асосий қарз тўлиқ ундириб берилди. Бундан ташқари, МЧЖ фермерга 2 миллион 150 минг сўм пеня ҳамда 2 миллион сўм зарарнинг пеня билан қопланмаган қисмини ҳам тўлаб беришга мажбур бўлди. Адлия ходимларининг ишга малакали ёндашуви туфайли адолат қарор топди.

Шунингдек, Нишон туманидаги «Тоҳир» фермер хўжалиги бошлиғи З. Худоёровнинг Тошкент шаҳридаги «Маштраксервис» МЧЖ томонидан банкдан олинган кредит бўйича ўтказилган 19,3 миллион сўм тўловнинг қайтарилмаётганлигидан норози бўлиб ёзган аризаси юзасидан ҳам Тошкент шаҳар хўжалик судига киритилган даъво аризаси қаноатлантирилиб, фермер хўжалигининг манфаати ҳимоя қилинди.

▼ Жараён

Яккабоғ туманидаги «Ҳасанов Фарруҳ Қўчқорович» фермер хўжалигининг ўзига тегишли бўлган ер майдонини бошқалар ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлиги ҳақида берган аризаси ўрганиб чиқилганда, фактлар тўла тасдиқланди. Тўпланган ҳужжатлар судда кўриб чиқилиб, масалани қонуний ҳал қилмаганлиги учун туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Ғ. Маҳкамовга нисбатан маъмурий чора қўлланилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Тадбиркорлар, фермерларга қулайлик яратиш мақсадида бошқармамизда «Ишонч» телефони» ташкил қилинган. Бу телефон орқали тадбиркорлик субъектларидан кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлар кўпроқ тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг, ихтиёрий равишда фаолиятни тўхтатиш ҳамда тугатиш жараёнларининг соддалаштирилган тартиблари хусусида тушунтириш бериш, ўз фаолиятлари давомида дуч келган муаммолари юзасидан ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни сўраб мурожаат этмоқдалар. Ўтган йили «Ишонч телефони» орқали 125 марта мурожаат бўлган. Улардан 29 таси қаноатлантирилган, 96 таси бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилган.

Бошқармамиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли ташкилотларга тақдимнома киритиш тажрибаси кенг қўлланилмоқда. Ўтган йил давомида туман ва шаҳар ҳокимликлари ва назорат қилувчи органларга 106 та тақдимнома киритилган эди. Уларга асосан 127 та масъул ва мансабдор шахсларга интизомий жазо берилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлган 6 та ғайриқонуний қарор бекор қилинди. Булар барчаси масъул ва мансабдор шахсларни тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларига, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича берилаётган имкониятларга нисбатан эътиборли бўлишга даъват этади. Биргина мисол: бошқармамизнинг йиллик иш режасига асосан Халқ банкининг Китоб туман филиалида тадбиркорларга хизмат кўрсатишнинг аҳволи ўрганиб чиқилди. Банк хизмати кўрсатиш бўйича амалдаги қоидалар мунтазам равишда бузилганлиги, тадбиркорларнинг талаб ва эҳтиёжларига ўта масъулиятсизлик билан ёндашилганлиги маълум бўлди. Аниқланган қонунбузарликлар учун филиал бошқарувчиси ўринбосари, кредит бўлими бошлиғи И. Юлдашевга ва бош ҳисобчи З. Сирожевларга нисбатан интизомий жазо — жарима белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ва кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишларини таъминлашда ҳуқуқий тарғибот ишларини яхши йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Адлия идораларига қилинаётган мурожаатларнинг мазмуни ҳам шундан далолат бермоқда. Тадбиркорларда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ўрганишга интилиш катта. Улар ҳамкорлар билан ишлаш ва икки томонлама шартномалар тузишда қонун талабларига риоя қилинишига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида адлия ходимлари томонидан жойларда тадбиркорлар билан бевосита мулоқотлар ташкил этиляпти. Зеро, мамлакатимизда тадбиркорларнинг, кичик бизнес вакилларининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган ва бу тизим мунтазам ривожлантириб борилаяпти. Ҳамма гап тадбиркорларнинг қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни яхши билишлари ҳамда уларга доимо риоя қилишларида. Ана шунда кўзланган маррага эришилади, мавжуд муаммо ва камчиликлар қонуний ечимини топади.

**Н. ЯНГИБОЕВ,**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.**

ЖАҲОН 24 соат ичида

## Ноқулай об-ҳаво сабаб...

***Чоршанба куни Судан пойтахти Хартумдаги аэропортда ҳалокат рўй берди.***



"Рейтер" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, "Sudan Airways" авиакомпаниясига қарашли "А310" русумидаги самолёт қўниш чоғида ёниб кетган. Авиалайнерда 203 йўловчи ва 14 нафар экипаж аъзоси бор эди. Маълумотларга қараганда, улардан 33 нафари қурбон бўлган.

Полиция вакилларининг маълум қилишича, самолёт ҳалокатига ноқулай об-ҳаво сабаб бўлган.

## Эҳтиёт бўлинг: қалбаки чипта

***Жорий йилнинг август ойида Пекинда XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.***

Айни пайтда мусобақалар ўтказиладиган мажмуаларга чипталар сотуви авжига чиққан. Мамлакат полициясини қалбаки чипталарни пуллаётган олибсотарлар ташвишга солмоқда.

"China Daily" интернет нашрида ёзилишича, куни кеча полиция олти нафар "чиптафўруш"ни ҳибсга олди. Уларнинг айтишича, қалбаки чипталар махсус ташкилий гуруҳ томонидан ишлаб чиқарилаётган экан.



Эслатиб ўтамиз, мусобақаларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларига чипта эгалари расмий рўйхатга олиниб, назорат остида киритилади.

## Ҳузурижон метро



**Париж жамоатчилик транспорти бошқармаси (RATP) шаҳар метросига электр энергиясини кам сарфлайдиган, экологик талабларга жавоб берадиган янги поездларни тақдим этди.**

**Мазкур вагонларнинг эшиклари автоматик тарзда очиб-ёпилади, дейилади "Le Parisien" нашри хабарида. Шу пайтгача қатнаётган метро вагонлари эшигини очиш учун махсус тугмани босиш талаб этиларди.**

## Лойиҳа учун 550 млн.$

***Канада ҳукумати 2011 йилгача Афғонистонга қўшимча 550 миллион АҚШ доллари миқдорида беғараз ёрдам пули беради.***

Бу ҳақда Канада ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Дэвид Эмерсон маълум қилди.

Мазкур маблағларнинг асосий қисми Қандаҳор музофотида мактаблар, турли хил идора ва муассасалар қурилишига сафланади.



## Робот гурунг беради

***Эндиликда роботлар кишилар билан бемалол мулоқот қила олади.***

Бундай имконият "Honda Motor" компанияси томонидан тақдим этилмоқда. "Asimo" номли бу роботлар бир вақтнинг ўзида бир қанча кишилар билан бемалол гаплашиши мумкин. "NewScientist" журналида чоп этилган мақолада ёзилишича, робот яқин келажакда баҳсли мулоқотларни ҳам олиб бориш имкониятига эга бўлади.

Роботнинг бўйи 130 сантиметр, оғирлиги 54 килограммга тенг.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ҒАМХЎРЛИК ВА РАҒБАТ ШАРОФАТИ

***Мамлакатимизда ёшларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиниб, уларга етарли шарт-шароит ва имконият яратиб берилмоқда. Бунда Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони дастуриламал вазифасини ўтамоқда.***

«Ипотекабанк»нинг Хоразм вилояти филиали жамоаси ҳам хайрли ишдан четда тургани йўқ. Жамоа Фармон ижросини таъминлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, меҳнат фаолиятларини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишларида уларга зарур ёрдам кўрсатиш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Бу ерда микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўлга қўйилган. Улардан фойдаланган ёш оилалар тадбиркорликка қўл уришаяпти, уй-жой сотиб олишаяпти, борларини таъмирлашаяпти, рўзғорларини бутлашаяпти.

— Ўғлимизнинг оиласи учун уй-жой сотиб олишни ният қилиб юргандик, — дейди урганчлик Қуронбой ота Ўразметов. — Бироз йиққантерган маблағимиз ҳам бор эди. Устига 9 млн. сўм кредит олдик. Ўғлим тез кунда Урганч тумани марказидаги шинамгина уйнинг эгаси бўлди.

**Фармон ва ижро**

Дарҳақиқат, ўтган йили 42 та ёш оила ҳовли тўйи қилди. Уларга 583 млн. сўмдан ортиқ ипотека кредитлари ажратилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 17 та оилага 215 млн. сўмдан зиёд ипотека кредитлари берилди. Бундан ташқари, филиалнинг 2,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағи эвазига Урганч шаҳрида 64 та ёш оилага мўлжаллаган 2 та кўп қаватли замонавий уй қурилиши бошлаб юборилди.

— Биз Фармон ижросини таъминлашга ҳисса қўшаётганимиздан, ёш оилаларга хизмат қилаётганимиздан хурсандмиз, — дейди ипотека ва истеъмол кредитлари бўлими бошлиғи Фарҳод Қурбонов. — Банкимиз томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилгани боис, бўлимимизга мурожаат қилаётган ёшлар, ёш оилалар сони ортиб бормоқда.

Филиалда ёш оилаларнинг яшаш шароитини яхшилашга қаратилган истеъмол кредити ҳам жорий этилган. Ўтган йили 54 та оила 80 млн. сўмдан ортиқ молиявий ёрдам билан зарур уй жиҳозлари сотиб олди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса яна 10 та оила 14 млн. 100 минг сўм истеъмол кредитидан баҳраманд бўлди.

Зеро, «Ипотекабанк» Хоразм вилоят филиали жамоаси бундай хайрли юмушларга доимо камарбастадир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Бола тарбияси:*

# БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

***Юрт тақдири фарзандларимиз истиқболига чамбарчас боғлиқдир. Ёшларнинг одоб-ахлоқли, юксак маънавиятли, ҳуқуқий саводхон, теран фикрли ва имон-эътиқодли инсон бўлиб камолга етишида оиладаги соғлом муҳит беқиёс аҳамиятга эга. Зеро, фақат ота-онагина ўз фарзандлари қалбига ватан ва оила шаънини муқаддас билиш, инсонийлик, ҳалоллик, халқ ва юрт тақдирига масъуллик сингари фазилатларни сингдира олади.***

Донолар қуш уясида кўрганини қилади, дея бежиз нақл қилишмаган. Бола тарбиясига алоҳида эътибор зарур. Фарзанд оилада катталар ўзини қандай тутиши-ю, кийинишидан тортиб, ўзгалар билан муомала-муносабатигача барини зийраклик ила кузатади. Табиийки, ўз-ўзидан бу хислатлар унинг феъл-атворига сингиб бораверади. Шу боис, оилавий муҳитда эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муносабати фарзанд тарбиясига бевосита таъсир кўрсатмай қолмайди. Бироқ, баъзан ана шу ҳақиқатни англамаган айрим ота-оналар ўз фарзандлари олдида қўпол сўзлар билан бир-бирларини шундай "сийлашади"ки, оқибатда, бу хонадонда бемеҳр, тошбағир, қалби эзгу ҳислардан мосуво бир кимса шаклланиши ҳеч гап эмас.

Тўғри, турмуш деганн паст-баландсиз бўлмайди. Бироқ муаммоларни вазминлик билан ҳал этиш ҳам мумкин. Босиқлик эса фақатгина фойда келтиради ва шунда бола руҳиятига салбий таъсир этувчи одатлар ҳам оила муҳитига яқин йўламайди.

**2008 йил — Ёшлар йили**

Масалан, японийлик эр-хотинлар нима бўлишидан қатъи назар, фарзандлар олдида жанжал тугул, ҳатто ортиқча баҳс-мунозарага ҳам эрк беришмас экан. Улар ҳамиша муаммоларни ўзаро ҳамжиҳатликда ҳал этиб, болаларни фойдали меҳнат билан шуғулланишга, илму ҳунар ўрганишга жалб этишади. Энг аввало, фарзанддан ўз миллати, ватани тарихини чуқур ўрганиш талаб этилади. Негаки, ўтмишдаги аждодларнинг эзгу ишларию тарихда йўл қўйилган хатолар болага ҳаётнинг оқу қорасини фарқлаш, ҳар қандай қарор қабул қилишда етти ўлчаб бир кесишдек оқилликни ўргатаркан. Шу боис, катталар фарзандлар онгини ортиқча маиший икир-чикирлар билан банд қилиш эмас, аксинча, уларнинг китоб мутолааси билан кўпроқ банд бўлиши, донолар ўгитидан баҳра олган ҳолда ҳаёт ҳақиқатини англаши учун шароит яратиш лозим деб билишади.

Бизнинг миллий менталитетимизда ҳам бола тарбияси ота-онадан сўнг маҳалла, мактаб ва ёшлар билан боғлиқ бошқа жамоат ташкилотларининг бурчи саналади. Буям ўзига хос тарбия усули, маънавий баркамоллик белгисидир. Ушбу азалий эзгу қадриятга бефарқ муносабатда бўлиш эса тарбияда иллатлар бўй чўзишига олиб келади. Ахир, айтадилар-ку, бир болага етти маҳалла ота-она, деб...

Айтайлик, кўз ўнгингизда икки қўшни боласи ахлоқ-одоб доирасидан четга чиқаяпти. Ёхуд иш юзасидан бирор бир маҳаллага йўлингиз тушди ва бу ерда ёшларнинг ножўя хатти-ҳаракатларига гувоҳ бўлдингиз. Хўш, бундай вазиятда қандай йўл тутамиз? Афсуски, орамизда "бу бировнинг боласи-ку, менга нима" қабилида бепарволик қиладиганлар ҳам бор. Аксинча, бу болаларни ўз фарзандидай билиб, ёшлар йўл қўйган хатони уларнинг ўзига вақтида тўғри англатиш беқиёс савоб ишга қўл уриш билан баробар эмасми?..

Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" асаридаги "Тарбиянинг замони" номли бобдан шундай жумлалар ўрин олган: "Эмди очиқ маълум бўлдики, тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, зеҳнимизни равшанландурмак лозим экан. Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур? деган савол келадур. Бу саволга "биринчи уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур", деб жавоб берсак..."

Элимизда "Ота рози — худо рози" ёхуд "Ота ётган уйнинг томига ҳам чиқма" деган пурмаъно нақллар мавжуд. Шу боис, бу борада энг асосий масъулият она, яъни узоқни кўра билган доно аёл зиммасига юкланади. Аёл ўз фарзандлари олдида турмуш ўртоғига нисбатан ҳамиша юксак ҳурмат сақлаши лозим. Ахлоқий анъаналаримизга кўра, бу тарбия жараёнининг ўта муҳим жиҳатларидан биридир.

Бугунги турмушимиздан ҳам қиёс. Оилада отанинг ўрни ва ҳурмати юқори бўлса, бу даргоҳда тарбия топган бола, шубҳасиз, қатъиятли, бир сўзли, фидойи, мард инсон бўлиб етишганига гувоҳ бўлиш мумкин. Айниқса, биз ютуқлари билан фахрланадиган кўплаб йигит-қизларимиз шахсияти билан қизиқиб кўрилса, уларнинг аксарияти ота измига бўйсунган ва оилада яхши тарбия кўрган ёшлар бўлиб чиқади. Чунки, доимо ўз бурчини ҳис қилиб яшовчи, жонкуяр оталар бола тарбиясига ҳамиша чуқур масъулият ва эътибор билан ёндашади.

Давлатимиз раҳбари ҳаётимизнинг барча соҳаларида аниқ ва кескин чоралар кўриш билан бирга, энг муҳим давлат пойдевори саналмиш оилага эътиборни давлат сиёсати даражасига кўтариш лозимлигини кўп бора таъкидлайдилар. Конституциямизнинг XIV боби айнан оилага бағишланганлиги ҳам юртимизда инсон манфаати, унинг фаровонлиги масаласи устувор жиҳатлардан саналишининг тасдиғидир. Мазкур боб мағзида айнан миллий қадриятларимиз, миллий ақидаларимиз ўз аксини топган, десак адашмаймиз. Ваҳоланки, жаҳон мамлакатлари конституцияларининг бирортасида бундай мазмундаги ҳуқуқий моддалар алоҳида ажратиб кўрсатилмаган, инсон ҳуқуқлари қатъий қонун асосида бу қадар мустаҳкам ҳимояланмаган. Биз эса қонимизда бор хислат — муқаддас ришталарни, оила ва унинг шаънини эъзозлашга ҳар томонлама эътиборли элмиз.

Бинобарин, ҳар биримиз шу муқаддас заминда туғилиб, унинг нон-тузидан баҳраманд яшаётган эканмиз, демак, келажакнинг порлоқ манзили сари йўлга отланган катта бир карвоннинг йўловчилари янглиғ зиммамизда бирдек вазифа турибди. У ҳам бўлса, юрт истиқболининг пойдевори мустаҳкам бўлишига ҳар бир киши, хоҳ у ёш бўлсин, хоҳ кекса барча бирдек масъулиятли ёндошмоғидир. Зотан, ҳаёт қонуниятларига мувофиқ, баримиз ватан олдидаги бурч ва мажбуриятларимизни юракдан ҳис этиб яшашимиз даркор. Шундагина, юрт ободлиги ва равнақига ҳисса қўшувчи давомчиларни ўрнимизга қолдирган, умримиз мобайнида унутилмас эзгуликни амалга оширган бўламиз.

**Жамшидхон ШАРОПОВ,**
**ҳуқуқшунос.**


O'ZSANOATQURILISHBANK

## «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлари диққатига!

**Ҳурматли акциядорлар,**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» сизга ўз эҳтиромини изҳор этади ва банк кенгаши томонидан 2008 йил 9 июнь куни қабул қилинган 2/2008-сонли қарорга биноан, имтиёзли акциялар бўйича йиллик 24 фоиз ҳисобидан 2008 йил I чораги учун 6 фоиз миқдоридаги оралиқ дивиденд тўланиши тўғрисида эълон қилади. Дивидендларни 2008 йил 31 март ҳолатига ёпилган акциядорларнинг реестрида мулкий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар олишлари мумкин. Дивидендларни олишга доир масалалар бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг тегишли филиалларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.**

*Банк кенгаши.*

*Муҳим фактлар тўғрисида хабарнома*

Банк — **Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки.**
Манзил: **100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 3-уй.**

*Хабарноманинг тартиб рақами — 05.*

1. **Муҳим факт номи** — эмитентнинг қимматли қоғозлари бўйича даромадларни ҳисоблаш ва (ёки) тўлаш.
2. **Қимматли қоғозлар тури** — акция.
3. **Қимматли қоғозлар категориялари** — эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция.
4. **Дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш санаси** — 2008 йил 9 июнь.
5. **Дивидендларни тўлаш муддати** — дивидендларни тўлаш (эълон) қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кун ичида.
6. **Дивидендларни тўлаш (эълон қилиш ) тўғрисидаги қарорни қабул қилган орган** — «Ўзсаноатқурилишбанк» кенгашининг йиғилиши.
7. **Дивидендлар миқдори:**
   - эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция — бир дона акцияга 120 сўм ёки 6%.
8. **Акциялар умумий сони:**
   - эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция — 2.000.000 дона (номинали — 2.000 сўм).
9. **Тўлаш шакли** — пул маблағлари.

*Хабарноманинг тартиб рақами — 08.*

1. **Муҳим факт номи** — банк мажбуриятларини бажариш муддатининг келиши билан банкнинг қимматли қоғоз эгалари олдидаги мажбуриятлари.

2008 йил I чорак учун имтиёзли акция эгаларига оралиқ дивидендларни тўлаш.

Қимматли қоғозлар эгалари олдида банк мажбуриятларини бажариш муддатлари — банк кенгашининг имтиёзли акция эгаларига оралиқ дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун ичида.

989Я/1043



*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар диққатига!*

**Қашқадарё вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган**

## «Қашқадарёмармар» МЧЖ

**мол-мулки ягона мулкий мажмуа сифатида биржа савдолари орқали сотилади.**

**Корхона тўғрисида маълумотлар:**

«Қашқадарёмармар» масъулияти чекланган жамияти манзили: Қашқадарё вилояти, «Китоб» станцияси, Н. Нугаев кўчаси, 11-уй. Корхона ҳудудининг умумий ер майдони 36 364 кв.м., шундан ишлаб чиқариш цехлари бинолари майдони 6 632 кв.м.ни ташкил этади. Бўш ишлаб чиқариш майдонлари мавжуд.

Корхона ҳудудида 600 метр темир йўл шохобчаси, юк ортиш майдони мавжуд. Юк ортиш майдони локоматив, 10 тонналик кўтарма кран, автотарози ва бошқа юк ортиш механизмлари билан жиҳозланган.

Корхонада 4 та тош кесиш ва қайта ишлаш цехи, автосарой, ёнилғи қуйиш шохобчаси, тайёр маҳсулотлар омбори, ҳовуз тиндиргич, ускуналарни таъмирлаш цехи мавжуд. Барча ишлаб чиқариш цехлари муҳандислик-технологик коммуникация тармоқлари билан тўлиқ таъминланган.

Корхона ҳудудида ошхона, лимонарий ва маъмурий бино жойлашган. Корхона ҳудуди тўлиқ ободонлаштирилган ва кўкаламзорлаштирилган.

Асосий тошни кесиш цехи Италиянинг замонавий, бир йилда 60 000 кв.м. мармар плита ишлаб чиқарадиган «Тема Фруголи» ускунаси билан жиҳозланган,

Корхонада жами 27 та юк ташиш ва бошқа турдаги автотранспорт воситалари мавжуд.

«Қашқадарёмармар» масъулияти чекланган жамияти таркибига 4 та мармар карьери ва қум-шағал саралаш карьери киради.

***Жумладан:***

1. «Биркунлик» карьери Китоб туманида жойлашган, 19 гектар майдонни эгаллайди. «Китоб» темир йўл бекатидан 26 км. масофада жойлашган. Мазкур карьерда мармар ушоғи ишлаб чиқарилади. Хом ашё захираси — 622 минг. куб.м.ни ташкил этади. Карьер 2 та тошни майдалаш ускунаси, «ЭО-5124» русумли экскаватор, «Т-130» русумли бульдозер, «L-34» русумли гидроюклагич билан таъминланган.
2. «Искана» карьери Китоб туманида жойлашган, 34 гектар майдонни эгаллайди. «Китоб» темир йўл бекатидан 35 км. масофада жойлашган. Мазкур карьерда мармар ушоғи ишлаб чиқарилади. Хом ашё захираси — 1 078 минг куб.м.ни ташкил этади. Карьер бир дона тошни майдалаш ускунаси, «ЭО-5111» русумли экскаватор, «Т-130» русумли бульдозер, «ТО-18» русумли гидроюклагич билан таъминланган.
3. «Томчи-ота» карьери Китоб туманида жойлашган, 19,4 гектар майдонни эгаллайди. «Китоб» темир йўл бекатидан 25 км. масофада жойлашган. Мазкур карьерда мармар харсанг тошлари қазиб олинади. Хом ашё захираси — 352 минг куб.м.ни ташкил этади. Карьер махсус тош кесиш ускуналари, «ЭО-11011» русумли экскаватор, 2 та «Т-130» русумли бульдозер, «ПК-10» русумли компрессор билан таъминланган.
4. «Совуқ булоқ» карьери Китоб туманида жойлашган, 25,2 гектар майдонни эгаллайди. «Китоб» темир йўл бекатидан 25 км. масофада жойлашган. Мазкур карьерда мармар харсанг тошлари қазиб олинади. Хом ашё захираси — 240 минг куб.м.ни ташкил этади. Карьер махсус тош кесиш ускуналари, «ЭО-5124» русумли экскаватор, «Т-130» русумли бульдозер, «ПР-10» русумли компрессор, 16 тонналик пневмогидравлик кран билан таъминланган.
5. Қум-шағал саралаш карьери Китоб туманида жойлашган. «Китоб» темир йўл бекатидан 10 км. масофада жойлашган. Карьер қум-шағал саралаш ва майдалаш ускунаси, «С-100» русумли бульдозер, «Беларусь» юклагичи, «ЭО-10011» русумли экскаватор билан таъминланган.

Харсанг тошлар қазиб олинадиган карьерлар Италиянинг «Техно Гранит» фирмасининг махсус тош қазиб олиш ва кесиш ускуналари билан жиҳозланган. Ускуналарнинг қуввати бир йилда 3000 куб.м. харсанг тош қазиб олишни ташкил этади.

Барча карьерлар 10 кВа электр тармоғи, маҳаллий сув тармоғи билан таъминланган ва асфальт-тош йўллари ўтказилган.

Корхонанинг асосий кредитори — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.

**Маълумот учун телефонлар: (8-375) 522-83-83, 526-45-75.**

974Я/1026


# БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАР МАСКАНИ

***Қанғликўл саноат-транспорт касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс марказининг доимий китоб ўқувчилари сони 2335 нафар бўлса, шунинг ярмидан кўпроғини яқин ҳудудлардан ташриф буюрадиган китобсеварлар ташкил этади. Ҳатто коллеждан анча олисда жойлашган «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғинидан келиб, тез-тез китобга ошно бўлувчи кишилар ҳам борлигидан завқландик. Ана шундайлардан бири, ёшлари етмишни қоралаган Сарсенбой ота Ғойиповнинг сўзларига бир қулоқ тутинг-а:***

— Ушбу билим масканидан исталган китобни топиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу ерга тез-тез келиб тураман. Маҳалладошим Марям Отамуратовани, ўғил-қизларим Замира Аллабоева, Роҳат Муқимов, Улжон Зинатдиноваларни ҳам бу ерда бот-бот учратаман. Китоб билан ошнолик кони фойда. Бу ерга келиб туришимга яна бир сабаб — ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Бунчалик шарт-шароит айтинг, қайда бор? Президентимизга минг раҳмат.

Чиндан ҳам, отахон айтганидай, бугун юртимизда келажак эгалари бўлган ёшлар таълим-тарбияси йўлида барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, Қанғликўл саноат-транспорт касб-ҳунар коллежида ҳам баркамол авлод камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилаяпти.

Бу ҳақда коллеж директори Мурод Тажетов шундай дейди:

— Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 мартдаги 46-сонли қарори қабул қилиниб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, ўрта-махсус касб таълими марказига қарашли 36 та касб-ҳунар коллежи орасида «Германия ҳукумати (KFW) банкининг имтиёзли кредитлари асосида ахборот-коммуникация бўйича замонавий компьютер технологиялари ва ўқув жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида тендер ўтказилганди. Унинг якунида 10 та касб-ҳунар коллежи грант ғолиблари деб топилди. Бизнинг Қанғликўл саноат-транспорт касб-ҳунар коллежимиз ҳам улар сафидан жой олганидан хурсандмиз.

Германия ҳукуматининг ушбу технология ҳамкорлик лойиҳасига асосан давлат гранти негизида ҳар бир коллежда бешта компьютер ва ўқув хоналари, битта сервер хонаси барпо этилиб, улар тўла замонавий асбоб-ускуналар ва ўқув қуроллари билан таъминланиши кўзда тутилган.

Хусусан, коллежимизнинг 8 нафар мутахассис-ўқитувчиси лойиҳа асосида Тошкент ахборот технологиялари университетида электроника ва электротехника, ахборот технологиялари, дастурлаш, бизнес ва иқтисодиёт соҳалари бўйича малака ошириб келди. Айни пайтда компьютерларни созлаш устахонаси, электроника

**Таълим**



ва электротехника, ахборот технологиялари, «WINDOWS» дастурлаш лабораториялари ва сервер хонаси талаб даражасида ўқувчиларимизга хизмат кўрсатмоқда. Коллежимиз интернет тармоғига уланган, электрон почтамиз ишлаб турибди.

Лойиҳа бўйича ахборот-технология соҳаси йўналиши дастурловчиси, электротехниги ихтисослигига 2006-2007 ўқув йилида 73 ўқувчи, 2007-2008 ўқув йилида 78 ўқувчи қабул қилинди.

Мазкур лойиҳанинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ёшларни замонавий, энг сўнгги компьютер технологиялари билан таништириб, шу асосда уларга замонавий таълим бериш, корхона ва олий ўқув юртларига тайёр мутахассислар етиштириб бериш имконияти мавжуд.

Тумандаги педагогика касб-ҳунар коллежида ҳам юртимиз халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар, билимдон кадрлар тайёрлашда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Коллежда ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий ишларнинг яхши йўлга қўйилгани боис ёшлар ҳар хил мусобақа ва тадбирларда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Хусусан, йил бошида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб туман мудофаа бўлими ходимлари ташкил этган спорт мусобақаларида педагогика коллежи туман коллежлари орасида 2-ўринга лойиқ деб топилди. Фан олимпиадаларида эса ёшлардан Жамила Худойберганова информатика, Наргиза Алламберганова география, Олтин Омонова амалий география, Шаҳрибону Далиева инглиз тили, Нилуфар Утемуротова биология, Гулмира Бобожонова математика, Ҳамид Нурекеев тарих, Насиба Азибоева қорақалпоқ тили ва Гулчеҳра Крамова ўзбек тили фанидан илғорликни қўлдан бой бермай, ўзларининг мустаҳкам билимга эга эканликларини намойиш этмоқдалар.

Шу кунларда коллежнинг янги биноси ён-атрофини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

— Чор-атрофимизни обод қилмоқ, аввало, ўзимиз учун, қолаверса, туманимиз қиёфасини кўкаламзорлаштириш учун жуда зарур, — дейди биз билан суҳбатда коллеж директори Қ.Балмағанбетова, — шу мақсадда уч минг тупдан кўп тўронғил, тут, оқтол, терак, узум, ўрик, арча ва кўп гуллар экилди. Ариқлар қазиб, сув келтирилди. Туманга кириб келинадиган асфальт йўллар бўйларини обод қилишда улушимизни қўшдик.

Коллежнинг ахборот ресурс маркази 23 минг донадан зиёд китоб фондига эга. 1700 га яқин китобсеварларнинг севимли даргоҳига айланган ушбу марказ доимо ўқувчилар билан гавжум. Ўнта йўналиш бўйича ёшларга пухта билим берилаётган коллежда битирувчиларнинг ихтисосликларига қараб ишга жойлашишлари борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Зеро, юртимиз касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия олишаётган бугунги бахтиёр ёшларнинг орзуси ватанимиз келажагига, равнақ-фаровонлигига хизмат қилишдир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.** t

*Маъдан изловчилар шаҳри — Зарафшон йил сайин кўркамлашиб бормоқда.*

## Зарафшоннинг обод бозори

Бу ерда қад ростлаётган янги бинолар, маданий-маиший иншоотлар шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Яқинда улар қаторига замонавий деҳқон бозори ҳам қўшилди. Чўл бағрида бунёд этилган ушбу мажмуа кончилар шаҳри аҳолисига беминнат хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

**ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!**

- *хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);*
- *муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг кам чиқимлари);*
- *судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);*
- *мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);*
- *Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);*
- *Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).*

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди**

**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй.**
**Телефон: (+998-71) 239-43-29. Факс: (+998-71) 232-09-03.**
**web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz**

Товар сертифицирован

INTEGRAL ASIA

Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан

DELL™

**... от карманных компьютеров до серверов...**



**3 года полной гарантии !!!**

**Технологии, обеспечивающие уверенность**

**Тел.: 120-30-27, 120-30-28. Факс: 120-30-26.**

## ТЕНДЕР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**«Samarqandkimyo» ОАЖ**нинг 100% акциялар пакетини сотиш юзасидан аввал эълон қилинган тендер бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 1 июлгача узайтирилганлигини маълум қилади. Акциялар пакетининг бошланғич баҳоси — **20 506 000** (йигирма миллион беш юз олти минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган ҳамда инвестор томонидан қабул қилинадиган инвестицион мажбуриятлар — **7 300 000** (етти миллион уч юз минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади.

«Samarqandkimyo» Самарқанд шаҳрида жойлашган бўлиб, 1954 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси сифатида ташкил этилган. Корхонанинг асосий фаолият тури — нитрокальцийфосфат ўғити ишлаб чиқаришдан иборат.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи 2000 (икки минг) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказилиши лозим:

**- валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001;**
**- ҳисоб рақами 20203000600600289001,**
**«Ипак йўли» АИТБ амалиёт бўлими бошқармаси, 100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй,**
**ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. коди — INIPUZ22.**

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати — 2008 йил 1 июлда Тошкент вақти билан 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларини очиш 2008 йил 1 июлда Тошкент вақти билан 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

***Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:***

**Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:**
**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,**
**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,**
**Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.**
**Бош директор в.б. Аҳмеджанов Халил Ҳакимджанович эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-51.**
**Факс: +998 (71) 139-22-79.**
**Эл. почта: ccpbuz@tps.uz**

958-1R/1016

## NOTIFICATION ON PROLONGATION OF TENDER DEADLINE

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE PROPERTY TO THE FOREIGN INVESTORS

hereby announces on prolongation of the deadline for receiving Bids till **July 1, 2008** of the previously announced tenders for sale of 100% shares packages of **JSC «Samarqandkimyo»** with starting bidding price not less than **20 506 000** (twenty million five hundred six thousand) US dollars. Investment obligations that investor has to undertake constitute the amount of not less than **7 300 000** (seven million three hundred thousand) US dollars.

JSC «Samarqandkimyo» is situated in Samarkand city and was established in 1954 as an enterprise for production of mineral fertilizers. Main direction of production activity of the enterprise is production of Nitro-calcium-phosphorouse fertilizer.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact the address indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The price of the package of bidding documents constitutes USD 2000 (two thousand), which are to be transferred to either of the following accounts:

**USD Account: 20203840500600289001 or**
**UZS Account: 20203000600600289001**
**in the JSC ICB of «Ipak Yoli», TIN 201122696, bank code 00444,**
**Farhod str., 12-A, Tashkent, 100135**
**S.W.I.F.T. code: INIPUZ22**

The Bid submission deadline expires at 12:00 a.m. Tashkent time on **July 1, 2008**.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 16:00 p.m. Tashkent time on **July 1, 2008**.

Tender participants or their authorized representatives, who would submit Tender Bids in accordance with established procedures, have the right toparticipate at the opening of the packages with tender Bids.

***For all issues related to the tender, please contact:***

**The Working Body of the State Property Committee:**
**CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau**
**State Property Committee Bldg., 17th Floor**
**Uzbekistanskaya str. 55, 100003 Tashkent, Uzbekistan**
**Attention: Mr. Khalil Kh. Akhmedjanov**
**Acting Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51. Fax: +998 (71) 139 22 79. E-mail: ccpbuz@tps.uz**

958-2R/1016



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

## НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

### 2008-2009 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**Кундузги бўлимга**

**Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича:** менежмент; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; технологик машиналар ва жиҳозлар; машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш; қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш; муҳандислик коммуникациялари қурилиши; атроф-муҳит муҳофазаси; бинолар ва иншоотлар қурилиши; электр энергетикаси; озиқ-овқат технологияси.

**Касб таълими:** молия; бухгалтерия ҳисоби ва аудит; машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш; электр энергетикаси; информатика ва ахборотлар технологияси; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; технологик машина ва жиҳозлар; қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш; бинолар ва иншоотлар қурилиши; муҳандислик коммуникациялари қурилиши; озиқ-овқат технологияси; кимёвий технологиялар.

**Магистратура мутахассисликлари бўйича:** касб таълими (муҳандислик коммуникациялари қурилиши; информатика ва ахборот технологиялари; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; кимёвий технология; молия; бухгалтерия ҳисоби ва аудит).

**Махсус сиртқи бўлим бўйича:** касб таълими (молия; бухгалтерия ҳисоби ва аудит; машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш; электр энергетикаси; информатика ва ахборотлар технологияси; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; технологик машина ва жиҳозлар; қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш; бинолар ва иншоотлар қурилиши; муҳандислик коммуникациялари қурилиши; озиқ-овқат технологияси; кимёвий технологиялар).

***Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.***

**Институтнинг қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:**

- *ректор номига ариза;*
- *ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *086У шаклидаги тиббий маълумотнома;*
- *3,5х4,5 см. ўлчамдаги 6 та фотосурат;*
- *паспорт нусхаси.*

Институтнинг махсус сиртқи бўлимига камида 3 йиллик амалий педагогик стажга эга бўлган ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар қабул қилинади. Ушбу абитуриентлар меҳнат дафтарчаларидан кўчирма ва иш жойидан лавозими кўрсатилган маълумотнома тақдим этадилар.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан **кундузги ва махсус сиртқи бўлимларда 1 август куни ўтказилади.**

Абитуриентлар учун консультациялар 24 июндан 24 июлгача ўтказилади.

Талабаликка танлов асосида қабул қилиш абитуриентларнинг тест синовларида тўплаган балларига кўра олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан ўтказилади.

Институтга қабул Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртининг 1-курсига 2008-2009 ўқув йилида талабаларни қабул қилиш тартиб-қоидалари асосида амалга оширилади.

**Манзилимиз: Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳкўчаси, 12-уй. Телефон: (8-369) 234-15-23.**

*Қабул комиссияси.*

*Ҳурматли юртдошлар!*

## РАТБ «ҒАЛЛАБАНК»

### миллий ва хорижий валютадаги янги омонат турларини таклиф этади.

***Миллий валютадаги омонатлар:***

***«Нафосат»*** Сақланиш муддати — 3 ой. Омонат бўйича йиллик 30 фоиз ҳисобланади.

***«Шодиёна»*** Сақланиш муддати — 1 ой. Омонат бўйича йиллик 28 фоиз ҳисобланади.

***«Мафтункор»*** Сақланиш муддати — 6 ой. Омонат бўйича йиллик 28 фоиз ҳисобланади.

***«Нурафшон»*** Сақланиш муддати — 12 ой. Омонат бўйича йиллик 26 фоиз ҳисобланади.

***«Ҳумо»*** Сақланиш муддати — 18 ой. Омонат бўйича йиллик 24 фоиз ҳисобланади.

***«Самара»*** Сақланиш муддати — 24 ой. Омонат бўйича йиллик 22 фоиз ҳисобланади.

***Ушбу омонатлар 2008 йилнинг 20 августигача қабул қилинади.***
***Омонатлар бўйича фоизлар ҳар ой якуни бўйича тўлаб берилади.***

***Хорижий валютадаги омонатлар:***

***«Фаввора» АҚШ долларида*** Сақланиш муддати — 4 ой. Омонат бўйича йиллик 6 фоиз ҳисобланади.

***«Оптима» АҚШ долларида*** Сақланиш муддати — 1 ой. Омонат бўйича йиллик 5 фоиз ҳисобланади.

***«Фортуна» еврода*** Сақланиш муддати — 3 ой. Омонат бўйича йиллик 5 фоиз ҳисобланади.

***Ушбу омонатлар 2008 йилнинг 25 августигача қабул қилинади.***
***Омонатлар бўйича фоизлар ҳар ой якуни бўйича тўлаб берилади.***

**Мурожаат учун телефонлар: 233-71-72, 236-74-30, 233-98-80.**

***«Ғаллабанк» омонатларингизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.***
***Барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.***

**Сизнинг омонатларингиз:**
*- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод қилинади;*
*- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
*- миқдори чекланмаган.*

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

**«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!**

## «Toshkent shahar telefon tarmog`i» филиали абонентлари диққатига!

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш мақсадида мамлакатимиз пойтахтида тарихий ёдгорликлар ва қадамжолар реконструкция қилинмоқда, янги иншоотлар қуриш ҳамда жойларни ободонлаштириш, шаҳар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

*«Ўзбектелеком» АКнинг «TShTT» филиали ҳам ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқда ва 232/233/236-АТСни янги жойга кўчириш учун тадбирлар режасини бажармоқда.*

Маълумот учун телефон: **232-01-85.**

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 20 майдаги 05/1-121-сонли «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда пойтахтнинг марказ қисмида жойлашган эски ва яроқсиз, авария ҳолатидаги бино ва иншоотларнинг бузилиши» ҳақидаги қарорига биноан, 232/233/236-ЭАТСнинг бузилиши муносабати билан қуйидаги манзилларда ишлаётган 232/233/236-ЭАТС телефон рақамлари 237-ЭАТС рақамларига алмаштирилади.

МАНЗИЛЛАР:

1. *Махатма Ганди кўчаси (тор кўча ва берк кўчалари билан).*
2. *Асака кўчаси (тор кўча ва берк кўчалари билан).*
3. *Мирзакалон Исмоилий кўчаси.*
4. *Дархон кўчаси.*
5. *Тамарахоним кўчаси (тор кўча ва берк кўчалари билан).*
6. *Салар кўчаси (тор кўча ва берк кўчалари билан).*
7. *Марказ-1, 22-уй.*
8. *Марказ-1, 42-уй.*
9. *Марказ-1, 21-уй.*
10. *Мустақиллик шоҳкўчаси, 20-уй.*
11. *Мустақиллик шоҳкўчаси, 88-уй.*
12. *Достоевский кўчаси (тор кўча ва берк кўчалари билан).*
13. *Мустақиллик 1-тор кўчаси.*

Маълумот учун телефонлар:

**230-55-49, 230-55-50.**


Тиббиёт

***Бухоро шаҳрида яшовчи Гулмира Чориевани вилоят 1-сон қон қуйиш марказида учратиб қолдик. «Қон топширгани келдим, — дейди у. — Ҳар гал кимнингдир дардига дармон бўлганимни ўйласам, руҳим енгил тортади. Ўзимни янада тетик ҳис этиб юраман».***

# ДАРДГА ДАРМОН ДОНОРЛАР

Марказ ходимларининг айтишларича, Гулмира опа — донор. Биров унга «Қон топширгин», деган эмас. Тўрт мучаси соғлом эканига шукрона тарзида беминнат шундай қилади.

— Операция пайтида, жароҳат олинганда ёки бирор бир касаллик туфайли кўп қон йўқотилса, беморнинг тақдири дақиқалар ичида ҳал бўлади, — дейди марказ бош врачи Бахтиёр Воҳидов. — Ана шундай пайтда Гулмира опага ўхшаган донорларнинг қони инсонларга ҳаёт бахш этади.

Дарвоқе, «донор» лотинча сўз бўлиб, «саховат қилмоқ» деган маънони англатади. Мутахассисларнинг билдиришларича, 18 дан 60 ёшгача бўлган жисмонан ва маънан соғлом ҳар қандай кишига донорликка рухсат этилади. Айримларни донорлик инсон ҳаёти учун хавфли эмасмикан, деган хавотир ташвишга солиши мумкин. Шифокорлар донорлик соғлом организм учун фойдали, деб ҳисоблайдилар. Зеро, гап организмда тўпланиб қолган ортиқча холестерин ва гормонлардан халос бўлиш хусусида кетмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, донорларга бир қатор қулайликлар кўзда тутилган.

Донорликдек хайрли иш этагидан тутиб, беминнат саховат кўрсатаётган фуқаролар оз эмас. Эркин Холов, Шавкат Каримов, Елена Мурашкевич сингари донорлар учун Бухородаги қон қуйиш маркази қадрдон маскан бўлиб қолган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида

HAMKORBANK

# ҲАМКОРБАНК

республикамизда истиқомат қилаётган барча юртдошларимизга қулай ва манфаатли бўлган миллий валютадаги



**30 фоиз** даромадга эга **«БАРАКА»,**

шу билан бирга, АҚШ долларида йилига

**15 фоиз** даромад келтирувчи жозибали, янги



**«КОМФОРТ»**

ҳамда евро валютасидаги



**8 фоизли «СТЕП»**

омонатларини таклиф қилади.

Омонат учун маблағлар чекланмаган миқдорда қабул қилинади.
Омонатга қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.

Омонатлар бўйича фоиз даромадларини исталган вақтда олишингиз мумкин.

Унутманг, сизнинг омонатга қўйган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

Телефонлар: (8-374) 224-70-91, 224-70-39, 224-74-18.

«Ҳамкорбанк» хизматлари сиз учун қулай ва ишончлидир!

Хизматлар лицензияланган.



УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

## «VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ







**Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.**

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

**Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.**

***Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!***

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.










Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., «Халқлар дўстлиги» шк., 27-уй.


## Қалбакилаштирилган дори воситаларидан эҳтиёт бўлинг!

Қалбакилаштирилган дори воситалари истеъмолчи саломатлиги учун жиддий хавфдир. Уларда таъсир этувчи моддалар умуман бўлмаслиги ёки аксинча таркибида зарарли, заҳарланиш ва бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган моддалар бўлиши мумкин. Қалбакилаштирилган дори воситаларини истеъмол қилиш натижасида беморнинг соғлиғи оғирлашса ёки ўлимга олиб келса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик ушбу дори воситасини сотган дорихона муассасаси раҳбари зиммасига тушади.

Сўнгги йилларда қалбакилаштирилган дори воситалари сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, «Ринза» савдо белгиси остидаги қалбаки дорилар фикримизга ёрқин далилдир.

2006 йилда «Ринза таблеткалари № 10» дори воситасининг 3 та қалбакилаштирилган нусхаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8 тага етди. 2008 йилнинг февраль ойида эса қалбакилаштирилган «Ринза» таблеткаларининг умумий сони 9 тани ташкил этди. Шунингдек, 5 граммли пакетчалардаги «Ринза СИП» эритилувчи кукун дори воситасининг қалбакилаштирилган 2 та серияси фош этилди.

**Қуйида қалбакилаштирилган дори воситаларининг сериялари келтирилган:**

**«Ринза» таблеткаси №10-серияси U6198, BT-172, BT-173, 140106, 011205, 01402, R013.**

**«Ринза» таблеткаси №4 - серияси 010807**

**«Ринза СИП» эритилувчи кукуни 5 граммли пакетчаларда №5 серияда - L6137, B-6130 бўлади.**

***Эсингизда тутинг!***

Қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситалари кутилган самарани бермайди ва у соғлиқ учун ўта хавфли. Қалбаки дори воситасининг сотилиши натижасида юзага келган барча ноxушликлар учун дорихона муассасаси раҳбари жавобгардир.

Дорихоналарда «Ринза» дори воситаларини сотиб олишда мувофиқлик сертификати ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган сертификация тўғрисидаги маълумот, шунингдек, касса аппарати чекини талаб қилинг. Дори воситаси қутисида кўрсатилган препарат серияси мувофиқлик сертификатида кўрсатилган серияга мослигини текшириб кўринг.

Агарда «Ринза» препарати ёрдам бермаса ёки унга нисбатан сизда шубҳа пайдо бўлса, сиз препаратни сотиб олган дорихона муассасаси раҳбарига мурожаат қилинг ёки «Ринза» қутисини, касса аппарати чекини «Фармед» ХФга олиб келинг. Биз қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситасини грипп ҳамда шамоллашда самарали ёрдам берувчи оригинал «Ринза» препаратига бепул алмаштириб берамиз. Биз сизнинг саломатлигингизни қадрлаймиз.

*МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН*

**Мурожаат учун «Фармед» хусусий фирмасининг телефонлари: 228-55-00, 228-55-66**

***Эҳтиёт бўлинг: қалбаки дори воситалари!***


*Ташкилотлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, аҳоли диққатига!*

# «Sirdaryo IES»

## очиқ акциядорлик жамияти

***қуйидагиларни танлов ва шартнома асосида, келишилган нархда, пул ўтказиш йўли билан***

## СОТИБ ОЛАДИ:

- Чорва молларини озиқлантириш учун:
  - *тойланган сифатли беда;*
  - *маккажўхори маҳсулоти (силос).*
- Барча турдаги замонавий ва янги қишлоқ хўжалик техникалари, ем-хашак ўриб-йиғиш машиналари.
- Замонавий сут соғиш мосламалари.

**Манзилимиз:**
Сирдарё вилояти, Ширин шаҳри, Энергетиклар кўчаси, 7-уй.

**Телефонлар:** (8-3677) 64-59-43, + 99 890 919-02-25.
**Факс:** (8-3677) 64-51-30.

*«Sirdaryo IES» очиқ акциядорлик жамияти*


*Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Чиноз тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси тугатиш бошқаруви шуни маълум қиладики, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 10 июндаги 11-0706/946-сонли ажримига асосан тугатиш бошқарувчиси Забихулла Убайдуллаевич Сиддиқов вазифасидан озод қилиниб, Отабек Тельманович Анваров тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланди.*

# МАДАНИЯТ хабарлари



**Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Озарбойжоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида театр ва кино рассоми Юсуф Гусейнов ижодига бағишланган бадиий кўргазма ташкил этилди.**

## Мусаввир хотирасига бағишланди

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси тасвирий санъат ривожи йўлида кўп йиллар давомида ҳалол ҳамда фидокорона меҳнат қилган ижодкорлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ижодини тарғиб ва ташвиқ этиш йўналишида самарали фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотларидандир. Жамғарма томонидан рассомлик, мусиқа, театр, кино соҳаси фидойилари ҳаёти ва ижодига бағишланган хотира кечалари, кўргазмалар, концерт ва учрашувлар мунтазам ўтказиб турилади.

Ю.Гусейнов театр ва кино, шунингдек, тасвирий санъатнинг рангтасвир йўналишида ижод қилган мусаввир эди. У йигирмадан зиёд экран ва саҳна асарларига безак ҳамда декорациялар, чизмалар яратишда иштирок этган. Мамлакатимиз киностудиялари, театр жамоаларида меҳнат қилган рассом олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида ҳам рассомлик сир-асрорларини талаба-ёшларга ўргатган.

Кўргазмада ижодкорнинг элликдан зиёд рангтасвир асари билан танишиш мумкин.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## «Ниҳол» талабгорлари

**Бобур номидаги Андижон вилояти мусиқали драма театрида «Ниҳол-2008» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**



Унда анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича Андижон давлат университетининг талабаси Гулмира Абдулаҳатова, мусиқа ижрочилиги бўйича Андижон шаҳридан Ойдиной Жалилова, рақс йўналишида избосканлик Ҳимоят Турдиева, эстрада ижрочилиги бўйича Зилола Жўраева ҳамда операда Барно Исматуллаевалар ғолиб деб топилдилар.

Энди улар ёш иқтидорларнинг мамлакат пойтахтида бўлиб ўтадиган республика босқичида ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## «...Ипаклари тиллодан»

**Самарқандда «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**Унда якуний босқичда иштирок этган ғолиб жамоаларнинг дўппи ва каштачилик, миллий урф-одатлар, маиший буюмларимизга оид кўргазмали ҳамда мусиқий чиқишлари намойиш этилди.**

**Самарқанд педагогика коллежи ўқувчилари танловнинг республика босқичида қатнашиш йўлланмасини қўлга киритдилар.**

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт



**Дунё спорт жамоатчилиги жорий йилнинг август ойида Хитой пойтахти Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда. Тўрт йилда бир маротаба ўтадиган нуфузли мусобақада ўз юрти шарафини ҳимоя қилиш спортчиларнинг орзуси ҳисобланади. Бугунги кунгача ўзбекистонлик спортчилар ҳисобидаги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар сони 50 дан ошиб кетди. Ана шу йўлланмалардан учтасини Бухородаги 2-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари спорт мактаби ўқувчилари қўлга киритишган.**

# УЛАР ПЕКИНГА БОРАДИ

▼ Ифтихор

Мазкур спорт маскани республикамизда ўз ўрни ва нуфузига эга. Бу ерда спортнинг етти тури бўйича кучайтирилган ҳолда машғулотлар олиб борилади. Шулардан 3 таси Олимпия, 2 таси миллий спорт турлари ҳисобланади. Жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда халқаро турнирларда ушбу мактаб тарбияланувчилари доимо совриндорлар сафидан жой олиб келишади. Ўз-ўзидан аёнки, эришилаётган ютуқларда тажрибали мураббийларнинг ҳам хизматлари катта. Агар эътибор берадиган бўлсак, дзюдо, кураш, самбо, қиличбозлик, бокс ҳамда турон яккакураши бўйича вилоят терма жамоаларининг устозлари ушбу мактаб мураббийлари саналишади.

— Албатта, ҳар қандай муваффақиятга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, — дейди Бухоро вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармасига қарашли 2-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари спорт мактаби директори Холмурод Мубораков. — Шогирдларимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар замирида Юртбошимиз томонидан ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга берилаётган катта ғамхўрлик ётибди. Билим юртимизда спорт билан шуғулланиш учун барча имкониятлар яратилган. Шу сабабли спортчиларимиз қўлга киритаётган ғалабалар салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, ўтган 2007 йил жамоамиз учун жуда омадли келди. Мактабимиз вакили Аббос Атоев (81 килограмм вазн тоифасида)




АҚШнинг Чикаго шаҳрида ҳаваскор боксчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ўз вазн тоифасида олтин медални ва Пекин Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди. Аббос Атоевнинг дунёнинг юздан ортиқ мамлакати боксчилари қатнашган нуфузли мусобақада шоҳсупадан жой олиши барчамизни ғурурлантириб юборганди. Ушбу оламшумул ғалабаси учун Аббос Атоев Президентимиз томонидан "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан, унинг мураббийи Олим Муҳаммедов эса "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий" унвони билан тақдирланди. Аббоснинг ғалабаси бошқа шогирдларимизни ҳам илҳомлантириб юборди, десам адашмайман. Йил давомида кураш, турон яккакураши, бокс ва самбо бўйича ўтказилган мусобақаларда мактабимиз вакиллари ўттизга яқин олтин медаллар эгаси бўлишгани ҳам фикримни исботлайди. Шунингдек, саккиз нафар ўқувчимиз спорт устаси, бир нафари эса халқаро тоифадаги спорт устаси талабини бажарди. Аббос Атоев шу йилнинг март ойида Сербияда ўтган йирик халқаро турнирда ҳам ўз вазн тоифасида шоҳсупадан жой олди.

Жорий йилнинг апрель ойида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида дзюдо бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ҳам мактабимиз тарбияланувчилари совриндор бўлиб қайтишди. Муҳими, Жондор тумани Бўрибоғ қишлоғида туғилган Ришод Собиров ва Бухоро шаҳрида туғилган иқтидорли ёш полвонларимиз Мирали Шариповлар Пекин Олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар соҳибига айланишди. Энди улар Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, совриндорлар сафидан жой олишни мақсад қилиб қўйишган. Устозлари қўли остида машғулотларни кучайтирилган ҳолда олиб боришаяпти.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 14-15 июнь кунлари Бухоро шаҳрида Ёшлар йили давлат дастури доирасида кураш бўйича йирик турнир бўлиб ўтади. Ана шу мусобақада ҳам шогирдларимиз муваффақиятли қатнашишига ишонаман.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мактабларга спорт иншоотлари

**Ғаллаорол тумани Маржонбулоқ қўрғончасидаги 52-умумтаълим мактабининг 240 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилган эди.**

Энди ўқувчилар замонавий спорт залига ҳам эга бўлдилар. Спорт жиҳозлари Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилди. Шунингдек, Фориш ва Жиззах туманларидаги 14 ҳамда 20-умумтаълим мактабларида ҳам янги спорт заллари қурилди. Янги ўқув йилигача вилоятда яна 3 та спорт иншоотини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






▼ Бу ажиб дунё

## Фақат аёлларга аталган мукофот

**1996 йилда ташкил этилган ва фақат инглиз тилида ижод қиладиган аёлларга бериладиган «Orange Prize» мукофоти жорий йилда «Қиммат уй» романи учун Роуз Тремейнга насиб этди.**



Мазкур мукофот жамғармаси 60 минг доллар. «Қиммат уй» романи кўча-кўйда ётиб юрган уйсизлар ҳаётига бағишланган.

Роуз Тремейн 1943 йилда Лондонда туғилган. У ўн ёшидан бошлаб ижод қилади. Бир неча романлари Ғарб китобхонлари томонидан илиқ кутиб олинган. Ҳатто, унинг «Реставрация» номли романи 1989 йилда йилнинг энг яхши асари, деб тан олинган. Мазкур асар асосида ишланган фильм 1996 йилда «Оскар» мукофотига ҳам сазовор бўлганди. У ўз асарларида ўтмиш ва бугунни бир-бирига боғлаб кўрсатишга ҳаракат қилади.

## «Ўргимчак одам»нинг ўзбошимчаликлари

**Франциялик спортчи, машҳур «Ўргимчак одам» фильмларида бош ролни ижро этган Ален Робер Манхэттен марказидаги «The New York Times» газетаси жойлашган 52 қаватли бинони забт этишга бел боғлади.**

Унинг барча хатти-ҳаракатлари «Fox» телеканали орқали намойиш этилди. У шу йўл билан глобал исишга қарши бутун дунё эътиборини қаратмоқчи бўлди.

Робернинг бу ўзбошимчалиги учун полиция уни дарҳол ҳибсга олди. У ўзига ва жамоат тартибсизлигини бузганликда айбланмоқда. «Ўргимчак одам» биринчи бора бундай акция ўтказаётгани йўқ. Жорий йилнинг февраль ойида ҳам Бразилиядаги 42 қаватли бинони забт этган эди. «Интерфакс» ахборот агентлигининг эслашича, Робер ўтган йилнинг сентябрь ойида Москвада жойлашган «Ғарб» минорасига кўтарилмоқчи бўлганида Россия пойтахти мэрияси унга бундай хавфли трюкни амалга оширишга рухсат бермаганди. Бироқ Робер ўз мақсадини амалга оширди ва минорадан тушиши билан милиция томонидан қўлга олинганди...

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**




## «SMS-АГЕНТ@MAIL.RU» — ЎЗБЕКИСТОНДА!

Кўплаб инсонлар дўстлари билан Интернет тармоғида **«Mail.Ru Агент»** дастури орқали мулоқот қиладилар. Ушбу дастур фойдаланувчилари компьютер орқали мулоқотдан ташқари, мобил телефонларга SMS-хабарлар юборишлари ҳам мумкин. Энди бу қулайликдан Ўзбекистондаги МТС абонентлари ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Чунки улар учун **«SMS-Агент@Mail.Ru»** хизмати ишга туширилди.

Янги хизмат МТС-Ўзбекистон абонентига компьютердан **«Mail.Ru Агент»** хизмати орқали унинг мобил телефонига юборилган хабарларни олиш ва бевосита ўз телефонидан «Агент» хизмати фойдаланувчиларига жавобан SMS-хабарлар юбориш имкониятини беради.

**«SMS-Агент@Mail.Ru»** хизматини алоҳида ёқиш керак эмас, ундан Ўзбекистондаги барча МТС абонентлари фойдаланишлари мумкин. **«Mail.Ru Агент»** орқали сиз ўз мулоқотлар рўйхатингизга киритилган одамларга хабарлар юбораётганингизда, SMS саҳифасини очиб, телефон рақамини халқаро кўринишда кўрсатишингиз керак (мисол учун, 1030909 рақамини +998971030909 кўринишида бериш керак).

Барча кирувчи хабарлар — бепул. Мобил телефондан **«Mail.Ru Агент»**га бир чиқувчи SMS-хабар эса — $0,06.

**«SMS-Агент@Mail.Ru»** хизмати ҳақида батафсил маълумотни компания офисларида ва www.mts.uz сайтида билиш мумкин. [t]

INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч,13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5 6 8